

**ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА
ТАСНИФЛАНИШИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛДА МУҲИМЛИГИ**

Нурманов У.А.

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Молиявий таҳлил” кафедраси
профессори, и.ф.д.*

Аннотация. Республикада рўй бераётган турли иқтисодий ўзгаришлар оқибатида аҳамиятли ўзгаришлар кузатилиб, ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иқтисодиётига ҳам таъсирини кўрсатмоқда. Натижада, акционерлик жамиятлари, хорижий давлатлар иштирокидаги қўшма корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг капитал қийматининг барқарорлигига ҳамда айланма (жорий) маблағларига ўзининг турли йўналишлардаги таъсирини кўрсатди.

Калит сўзлар. Жорий активлар, жорий активларнинг турлари, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар захиралари, пул маблағлари, тайёр маҳсулот захиралари, юқори ликвидлик, пул маблағлар ва уларнинг эквивалентлари, ҳисоб-китоб, валюта, пул оқимлари, касса, махсус счётлар, пул оқимининг прогнози, камомад.

Мамлакатимизда 2023–2025 йилларда ўртача йиллик ЯИМ ўсиш суръати 6,5% ни ташкил этади ва иқтисодиётни кредитлашнинг йиллик ўсиш суръати 16-18% даражасида режалаштирилган. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш соҳасида йиллик инфляция даражасини 2022 йилдаги 9 фоиздан 2023 йилгача 5 фоизга босқичма-босқич пасайтириш, шунингдек, 2023 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги керак бўлган давлат бюджети тақчиллигини камайтириш кўзда тутилмоқда».

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Мамлакатда маҳаллий хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали юқори қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонида саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини яқунлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш белгиланган.

Хўжалик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишлари учун маълум даражада маблағларга эга бўлиши керак. Бу

маблағлар хўжалик жараёнида турли хил функцияларни бажариши билан бир қаторда маблағлар ҳолати ва ҳаракатининг тўғри амалга оширилишида бухгалтерия ҳисобининг ҳаракати алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу хўжалик маблағлари бухгалтерия балансида активлар деб номланади.

Иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида хўжалик субъектида активлар иқтисодий наф келтирувчи ресурс сифатида эътироф этилади. Активлар хўжалик субъектларининг фаолиятини кенгайтиради ва келгусида ривожланиш учун зарур бўлган фойда олиш имконини яратади.

Активлар иқтисодий категориялардан бири бўлиб – тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида бевосита иштирок этади. Хўжалик юритувчи субъектларда замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда жорий активлардан самарали ва тўғри фойдаланишда молиявий таҳлил этиш орқали аниқлаш муҳимдир. Шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятида жорий активларни қуйидаги асосий белгиларига қараб таснифлаш мақсадга мувофиқ:

I. Жорий активларнинг турлари. Унга кўра жорий активлар амалиётда қуйидагича таснифланади:

❖ *хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар захиралари.*

Бу турдаги жорий активлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлайдиган захиралар кўринишидаги моддий оқимлар ҳажмини тавсифлайди;

❖ *тайёр маҳсулот захиралари.* Ушбу турдаги жорий активлар одатда тугалланмаган иш ҳажмига қўшилади (бутун маҳсулотнинг алоҳида турлари учун уни тугатиш коэффициентини билан баҳолаш);

❖ *жорий дебиторлик қарзлари.* Товар (иш ва хизмат)лар учун тўловлар, бўнак тўловлари ва бошқалар бўйича хўжалик юритувчи субъект фойдасига қарз миқдорини тавсифлайди;

❖ *пул маблағлар ва уларнинг эквивалентлари.* Уларга нафақат миллий ва хорижий валютадаги нақд пул қолдиқлари (барча шаклларда), балки нақд пулга эркин конвертация қилинадиган ва қийматнинг аҳамиятсиз ўзгариши хавфи билан тавсифланган қисқа муддатли юқори ликвидли молиявий қўйилмалар ҳам киради;

❖ *бошқа жорий активлар.* Агар улар бухгалтерия балансининг умумий суммасида акс эттирилган бўлса, юқоридаги турларга кирмайдиган жорий активлар киради.

II. Операцион жараёнда қатнашиш хусусияти. Ушбу хусусиятга кўра, жорий активлар қуйидагича фарқланади:

❖ *хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш даврида хизмат қилувчи жорий активлар* (хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми ва тайёр маҳсулот захиралари кўринишидаги жорий активлар тўпламини ифодалайди);

❖ *хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий (касса) айланишига хизмат қилувчи жорий активлар* (барча товар-моддий захиралар

ийгиндисини ва жорий дебиторлик қарзлари суммасини кредиторлик қарзлари суммасидан чегириб ташлаган ҳолда ифодалайди);

❖ *хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш-молиявий (пул) даврларини тавсифлаш асосида жорий активларни дифференциаллаштириш батафсил кўриб чиқилади.*

III. Жорий активларни амал қилиш муддати. Унга кўра жорий активлар қуйидаги турларга ажратилади:

❖ *жорий активларнинг доимий қисми.* Хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги мавсумий ва бошқа ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳажмининг доимий қисмидир. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектнинг операцион фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган жорий активларнинг камайтирилмайдиган минимуми сифатида қаралади;

❖ *жорий активларнинг ўзгарувчан қисми.* Бу эса уларнинг турли қисмларини ифодалайди ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг мавсумий ўсиши билан боғлиқдир. Ушбу турдаги жорий активларни бир қисми сифатида одатда уларнинг максимал ва ўрта қисмлари ажралиб туради.

Ишлаб чиқаришни амалга оширишда, маҳсулот сифатини яхшилашда, рақобатбардошлигини оширишда ва ишлаб чиқариш жараёнининг кўламини кенгайтиришда хўжалик субъектлари фаолиятида узоқ муддатли активлар мавқеини янада оширишда хизмат қилади. Улар таркибига асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, узоқ муддатли инвестициялар, ўрнатилмайдиган асбоб-ускуналар, капитал қўйилмалар, узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатлар киради. Ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш учун хўжалик субъекти тасарруфида бор бўлган ресурслар захирасига, шунингдек, уларнинг нормадан ортиқча тўпланиб қолмаслигига аҳамият бериш лозим. Акс ҳолда маблағларнинг айланувчанлиги секинлашади ва ишлаб чиқариш жараёни бузилади. Жорий активларни ишлаб чиқаришда иштирок этиш характери ва унга таъсир этиш даражасига кўра, шунингдек, шаклланиш манбалари бўйича таркибланиш мумкин.

Хўжалик алоқалари шартномаларга асосланиб амалга оширилади. Натижада битта хўжалик субъекти товар-материал захираларини етказиб берувчи, ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи, иккинчи хўжалик субъекти эса сотиб олувчи, истеъмолчи сифатида майдонга чиқади. Бу эса ушбу қийматликлар, иш ва хизматларнинг қийматини тўлаш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Ушбу алоқалар натижасида ҳосил бўлган ҳисоблашишларни аниқ ташкил қилиш жорий активларнинг тезкорлик билан пулга айланиши ва маблағларининг ўз вақтида келиб тушишига шароит яратиб беради. Хўжалик субъектлари фаолиятида жорий активлардан самарали фойдаланиш эвазига маҳсулот таннархи камайиши, фойданинг кўпайиши ва рентабеллик даражасининг ортишига эришилади. Бироқ бу жорий активларни қай тарзда

шакллантириш ва улардан фойдаланишга бевосита боғлиқ. Шу сабабли бу соҳада таҳлил ва назорат ишларини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектнинг жорий активлари ишлаб чиқариш ва ҳисоб-китоб функцияларини бажариши бўйича тавсифланиши лозим. Ишлаб чиқариш функцияси орқали жорий активлар ишлаб чиқаришнинг маромийлигини таъминлаши, муомала функцияси бўйича уларни товар шаклидан пул шаклига айланишида ҳисоб-китоблар назарда тутилади.

Хўжалик юритувчи субъекти ишлаб чиқариш фаолиятининг натижавийлиги, бир маромда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши унинг жорий активлар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида жорий активларнинг етишмовчилиги сабабли ишлаб чиқаришнинг қисқаришига, узлуксизлигига ва давомийлигига таъсир этиб, оқибатда ночор ҳолатга келиши мумкин. Шу билан бирга жорий активларнинг меъёридан ортиқча сақланиши эса улардан самарасиз фойдаланишга олиб келади. Хўжалик юритувчи субъектлардаги жорий активлар ишлаб чиқариш воситалари ва муомала жараёнларидан иборат. Ишлаб чиқариш воситалари меҳнат объектлари ва воситалари (ҚҚС билан бирга) ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқаришдан, муомала жараёнлари эса пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, ҳисоб-китоблардаги маблағлар (дебиторлик қарзлари), тайёр маҳсулот, ёрдамчи хизмат кўрсатиш ва бошқа маҳсулотлардан иборат.

Хулоса қилишимиз мумкинки, жорий активлардан самарали фойдаланишдан асосий мақсад ҳар бир тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини таҳлил қилиш муҳим саналади. Бу эса ҳар бир соҳанинг яқин истикболга мўлжалланган стратегиясини белгилаб, жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини оширишга қаратилишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун. 2016 йил 13 апрель.
2. У.А. Нурманов. (2024). ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 26(3), 140–147. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3257>
3. Spiceland, David J., James F. Sepe and Lawrence A. Tomassini. Intermediate accounting, 4th ed. Irwin: McGraw-Hill, 2009.
4. Ковалев В.В., Патров В.В., Быков В.А. Как читать баланс. - 3-е

изд., переработ. и доп. - М.: «Финансы и статистика», 5-е изд., перераб. И доп.-М: 2006. - 672 б.

5. Ismanov I., Toshmamatov N., Buzrukxonov S. Moliyaviy hisob va hisobot. Darslik. – Т.: «Sano-standart», 2019. – В. 52.

6. Kurabayev J.E., Jumanazarov S.A., Halilov Sh.A. Moliyaviy hisob. O‘quv qo‘llanma. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018. – В. 391.

7. Рахимов М.Ю. Молиявий ҳисобот таҳлили. Дарслик. – Т.: «Nihol print» ОК, 2021. – Б. 215.

8. Raximov M. Y. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O‘quv qo‘llanma / O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi Toshkent Moliya instituti. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013.392 b.

9. Raximov M.Y. Moliyaviy tahlil-2 (o‘quv qo‘llanma) Т.:ТМІ. 2003 у. 166 b.

10. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlarini. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759

11. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.

12. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>

13. Klichev Bakhtiyar Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>

14. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.

15. U.K.Yakubov, G.S.Maxmudova. (2022). Biznes tahlil: Operatsion tahlil-1,2. (Darslik). –Т.: “Nihol print”, 205 b.

16. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>

17. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent:, «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.

18. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199-205.

19. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic_Press*, 2(0002).
20. Абдуллаев, А. Б. (2019). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И АНАЛИЗА НАЛОГОВ. In *БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 10-17).
21. Kasimovich, Y. U. (2021). Developing A Model On The Basis Of A System Of Indicators Determining The Efficiency Of Foreign Trade Activities. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7).
22. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
23. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариши ҳажми таҳлилини такомиллаштириши масалалари. *Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики*, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
24. Tulaev, M. (2024). [T BUXGALTERIYA HISOBINING SCHYOTLARI VA ULARNING MOHIYATI. Nordic_Press, 2\(0002\).](#)
25. Qlichev, B. (2024). *Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil.* <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
26. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариши ҳажми таҳлилини такомиллаштириши масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
27. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*.Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587-4593.- URL:<https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>